

**БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ****Отаев Муҳиддин Бабажанович***Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг ходими*<https://doi.org/10.5281/zenodo.15540146>

Аннотация. Мақолада божхона қиймати тушунчаси ва унинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги роли таҳлил қилиниб, бюджет даромадларини ошириш, ноқонуний савдонинг олдини олиш ва ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишдаги аҳамияти ўрганилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калитли сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, экспорт, импорт, ташқи савдо айланмаси, божхона расмийлаштирув тартиб-таомиллари, божхона назорати, экспортёр, импортёр, товар божхона қиймати, божхона декларацияси, божхона тўловлари.

**ПОНЯТИЕ ТАМОЖЕННОЙ СТОИМОСТИ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В ОБЕСПЕЧЕНИИ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

Аннотация. В данной статье анализируется понятие таможенной стоимости и ее роль в обеспечении экономической безопасности, исследуется ее значение в повышении доходов бюджета, предотвращении нелегальной торговли и защите производителей, а также разрабатываются предложения и рекомендации.

Ключевые слова: экономическая безопасность, экспорт, импорт, внешнеторговый оборот, процедуры таможенного оформления, таможенный контроль, экспортер, импортер, таможенная стоимость товара, таможенная декларация, таможенные пошлины.

**THE CONCEPT OF CUSTOMS VALUE AND ITS SIGNIFICANCE IN ENSURING
ECONOMIC SECURITY**

Abstract. The article analyzes the concept of customs value and its role in ensuring economic security, examining its significance in increasing budget revenues, preventing illegal trade, and protecting domestic producers, while also providing suggestions and recommendations.

Key words: economic security, export, import, foreign trade turnover, customs clearance procedures, customs control, exporter, importer, commodity customs value, customs declaration, customs duties.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишдир. Бу йўналишни амалга оширишда ташқи савдо операцияларини божхонада тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосан ТИФни тартибга солишнинг бож-тарифи усулидан самарали фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси бож-тарифи асосини ташкил этувчи товарларнинг божхона қийматини аниқлаш, яъни мамлакат ҳудудига олиб кириладиган ва ҳудуддан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона тўловларини ҳисоблаш смақсадида фойдаланиладиган қийматини тўғри аниқлаш давлат бюджети даромадлар қисмини бойитишга хизмат қилади.

Товарларнинг божхона қиймати Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига асосан “Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати – товарнинг

божхона қийматини аниқлаш усулларида бири орқали аниқланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товар қиймати [1]” ҳисобланади.

Божхона қиймати ҳақиқий бозор қийматини акс эттирувчи тушунча бўлиб, у халқаро ва миллий қонунчиликка мувофиқ аниқланади. Унинг тўғри ҳисобланиши импортёрлар учун божхона йиғимлари ва солиқларни аниқлашда, давлат учун унинг фиксал вазифасини яъни давлат бюджетини даромадлар қисмини бойитишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун, божхона органлари товарнинг бозор қийматини, товарларнинг ҳақиқий қиймати, жаҳон бозори нархлари ва битим қийматини таҳлил қилиш орқали аниқ ва адолатли баҳолашга ҳаракат қилади.

Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бевосита мамлакатнинг давлат бюджетини шакллантирилишида аҳамиятли ҳисобланганлиги боис иқтисодиёт ва божхона ҳуқуқи соҳасидаги бир қатор олимлар, тадқиқотчилар ва ташкилотлар “божхона қиймати” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилишган, улар томонидан ишлаб чиқилган таърифларни ўзига хос жиҳати ва ёндашувига қараб учта гуруҳга ажратилди:

1. Иқтисодий жиҳатдан ёндашилган таърифлар – айрим тадқиқотчилар божхона қийматини товарнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш пайтидаги бозор қийматига тенглиги, талаб ва таклиф омили, рақобат ва бошқа бозор шароитларини инобатга олиб, халқаро савдода божхона мақсадлари учун товарларни баҳолаш масалалари эътибор қаратишган.

Хусусан, Е.Н.Панова [2] томонидан товарларнинг божхона қиймати тушунчасига “давлат томонидан ТИФни тартибга солишда иқтисодий асос сифатида қўлланиладиган ҳисоб-китоб миқдори бўлиб, божхона қонунчилигини амалда жорий этишга функционал йўналтирилган иқтисодий категория” сифатида ўзининг муаллифлик таъриф келтирилган. Ушбу таъриф божхона қийматининг давлат ва иқтисодий сиёсатдаги ролини тавсифлаб, божхона қиймати нафақат товарларнинг нархини аниқлаш воситаси, балки давлатнинг ташқи савдо муносабатларини бошқаришда, солиқларни ҳисоблашда ва қонунчиликни амалга оширишда асосий инструмент сифатида таснифланади.

Шунингдек, А.В.Шишкин [3] бу тушунчага “аниқ, айнан ўхшаш ёки бир турдаги ташиладиган товар билан амалга оширилган битимнинг ҳақиқий ёки мавҳум нархига асосланган ҳисоб-китоб миқдори бўлиб, унинг вазифаси давлат томонидан товарлар қиймати билан боғлиқ ТИФни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун қиймат асосини шакллантиришдан иборат” деб ўзининг тадқиқот иши давомида муаллифлик тарифини тақдим этган. А.В.Шишкин божхона қийматини давлатнинг ташқи савдони тартибга солиш воситаси сифатида кўриб чиқади ва уни товарлар бўйича амалга оширилган битимларнинг реал ёки ҳисобланган нархларига асосланган, аниқ мақсадга (ТИФни тартибга солиш) хизмат қиладиган ҳисоб-китоб базаси деб таърифлайди.

Шунингдек, ТИФ қатнашчилари ва декларантларга электрон хизматлар тақдим этиб келувчи Россиянинг “Альта-Софт” компанияси томонидан божхона қиймати тушунчасига “кейинчалик божхона тўловларини ҳисоблаш, валюта қонунчилиги нормаларини ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа чораларини қўллаш, шунингдек ташқи савдо статистикасини юритиш мақсадида аниқланадиган товар қиймати [4]” сифатида тариф берилган. Ушбу таъриф божхона қийматининг ташқи савдодаги муҳим ролини таъкидлайди.

2. Фискал жиҳатдан ёндашилган таърифлар асосан божхона иши ва солиқ солиш соҳасидаги тадқиқот олиб бораётган мутахассислар томонидан тақдим этилган

бўлиб, таърифларнинг асосий мазмуни божхонанинг фискал вазифаси нуктаи назаридан қаралган бўлиб, божхона қиймати божхона тўловлари (*божхона божлари, солиқлар ва йиғимлар*)ни ҳисоблаш учун асос сифатида қаралиши, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш учун декларация қилинадиган қийматнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Жумладан, А.Н.Козырин [5] томонидан “Ташқи савдо битимиға мувофик товарларнинг (*баҳоланаётган, бир хил, ўхшаши*) қийматиға асосланган ва божхона тўловларини ҳисоблаш учун ҳисоблаш базасининг бошланғич таркибий қисми сифатида божхона органи томонидан қабул қилинадиган қиймат” сифатида таърифланган.

Шунингдек, ЖСТнинг 1994 йилги Тарифлар ва савдо бўйича бош келишувнинг 7-моддасини қўллаш тўғрисидаги битимда “импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати – импорт қилинадиган товарларга нисбатан божхона божларини адвалор ставкаларда ундириш мақсадида аниқланадиган товарларнинг қийматини англатиши [6]” белгиланган.

Шу билан бирга, Божхона кодексида келтириб ўтилган таъриф ҳам айнан фиксал жиҳатдан ёндашилганлар сирасига киради.

3. Юридик жиҳатдан ёндашилган таърифлар халқаро ҳуқуқшунослар ва божхона ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар томонидан тақдим этилган бўлиб, улар юридик нуктаи назардан божхона қиймати божхона қонунчилиги нормалари ва халқаро шартномалар билан белгиланиши, божхона қийматини аниқлашнинг олтига усулини белгилайдиган ЖСТнинг Божхона баҳоси бўйича келишуви бу соҳадаги асосий ҳужжат ҳисобланиши билан ифодалядилар.

Хусусан, О.А.Стрижова [7] божхона қиймати тушунчасига “товар қийматининг алоҳида тури сифатида қараб, уни аниқлашда сотувчи ва харидор билан бирга учинчи томон – божхона органи ҳам иштирок этиб, товарларнинг шартли тавсифи ҳисобланиб, у фақат қабул қилинган божхона баҳолаш қоидаларига мувофик оммавий-ҳуқуқий жараёндан сўнг пайдо бўлади ва оммавий-ҳуқуқий мақсадларда қўлланилади. Божхона қиймати товарни хусусий-ҳуқуқий эмас, балки оммавий-ҳуқуқий муносабатлар предмети сифатида тавсифлайди” деб тарифлаб ўтган.


Ушбу келтирилган таърифларнинг умумий жиҳати барчасининг асосий мазмунини божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товар қиймати деган маъно ётади.

Ушбу келтириб ўтилган тарифлар ва фикрларга асосан, товарларнинг божхона қиймати тушунчасини бу импорт қилинаётган товарнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш пайтидаги ҳақиқий бозор қиймати бўлиб, божхона тўловларини ҳисоблаш, божхона статистикасини юритиш, валюта назоратини амалга ошириш ва божхонага оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни аниқлаш каби мақсадларда қўлланилади ҳамда божхона қийматини аниқлашда товарнинг бозор қиймати, жаҳон бозори нархлари ва битим қиймати таҳлили асосида келиб чиқадиган товар қиймати ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизлик ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири божхона тизимининг самарали бошқарилишидир. Божхона қиймати ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона қиймати аҳамиятининг аҳамияти куйидаги асосий жиҳатларда намоён бўлади:


1. Давлат бюджети даромадларини оширишда, тўғри ҳисобланган божхона қиймати давлат бюджетига тушумлар ҳажмини оширишга ёрдам беради. Божхона тўловлари давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда муҳим ресурслардан бири бўлиб, улар ижтимоий лойиҳалар, инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш учун сарфланади

Маълумотлар таҳлиliga кўра, сўнгги йилларда давлат бюджетининг даромадлар қисмида божхона тўловларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2024 йил мобайнида давлат бюджетига 63,0 трлн. сўмдан ортиқ божхона тўловлари ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан (45,9 трлн. сўм) 3,6 баробарга кўпайган (1.1-расм).



1.1-расм. Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларининг йиллар кесимидаги таҳлили (трлн.сўм)

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2019-2024 йилларда давлат бюджети даромадлар қисмида божхона тўловлари тушумининг улуши ҳам 8,03 %га ошган (1.2-расм).



1.2-расм. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари тушумининг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши динамикаси, %да

Бугунги кунда, жами ундирилаётган божхона тўловларининг 96 фоизи адвалор ставкада ҳисобланиши [8] инобатга олинса, ундирилаётган божхона тўловларида божхона қийматини аниқлашнинг аҳамияти муҳимлигини кўришимиз мумкин.

2. Ноқонуний савдони олдини олишда, товарларнинг божхона қийматини нотўғри аниқланиши мамлакат ҳудудида ТИФ иштирокчилари ўртасида соғлом рақобатнинг бузилишига олиб келиб, тадбиркорлар томонидан қонуний йўл билан кириб келаётган товарлар савдосига жиддий зарар етказди ва ноқонуний савдони ривожланишига олиб келади. Чунки ҳалол тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятларни сақлаб қолиш мақсадида товарларни ноқонуний йўл билан олиб киришга, ички бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашадилар.

3. Миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишда, божхона қиймати миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Агар импорт қилинган товарлар сунъий равишда арзонлаштирилса, бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказиши ва уларнинг бозорда ўз ўрнини йўқотишига олиб келиши мумкин. Божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратишга ёрдам беради.

4. Валюта назорати ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, импорт ва экспорт жараёнларида товарларнинг ҳақиқий қийматини баҳолаш валюта оқимларини назорат қилишга ёрдам беради. Агар божхона қиймати сунъий равишда камайтирилса, бу ташқи савдодаги валютанинг ноқонуний чиқиб кетишига олиб келиши мумкин. Божхона қийматини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш эса иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Божхона қийматини аниқлашда декларантлар ҳам, божхона органлари ҳам бирдек риоя этиши лозим бўлган божхона қийматини аниқлашнинг асосий принциплари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 301-моддасида [9] тамойиллар кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот иши доирасида Божхона кодекси, 1994 йилги Тарифлар ва савдо бўйича бош битимнинг (ГАТТ-1994) VII моддасини қўллаш тўғрисидаги Битимда, Россия Федерацияси “Бож тарифи тўғрисидаги” қонунда кўрсатилган ҳамда хорижий тадқиқотчилар В.М.Рутгайзер, Е.В.Попова томонидан тавсия этилган ҳамда сунъий интеллект томонидан тақдим этилган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда қўлланиладиган тамойиллар қиёсий таҳлил қилинди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал. Товарларни божхона қийматини аниқлаш тамойилларининг қиёсий таҳлили

Т/р	Ўндашувлар	ГАТТ-1994	РФ “Бож тарифи тўғрисида” ги қонуни	Рутгайзер.В.М.	Попова Е.В.	Сунъий интеллект	Жами:
	Принциплар қисқача мазмуни						
1.	Товар битимининг қиймати усулидан асосий усул сифатида фойдаланиш;	+	+	+	+	+	5
2.	Божхона қийматини аниқлаш усуллариининг чекланган рўйхати;	-	-	+	+	-	2
3.	Божхона қийматини аниқлаш усуллариини изчил қўллаш;	+	+	+	+	+	5

.	Божхона қийматини ишончли, аниқланган ва ҳужжат билан тасдиқланган маълумотлар асосида белгилаш;	+	+	+	+	+	5
.	Божхона қийматини аниқлашнинг умумқабул қилинган тартиби;	+	+	+	+	+	5
.	Дампингга қарши курашда божхона баҳолаш усулларида фойдаланиш тақиқланиши;	+	-	+	+	-	3
.	Товарнинг ихтиёрий ва сохта божхона қийматидан фойдаланиш тақиқланиши;	-	+	+	+	-	3
.	Қўшимча ҳаражатларни ҳисобга олиш тамойили	-	-	-	-	+	1
.	Божхона органлари назорати	-	-	-	-	+	1
0.	Камситмаслик (Недискриминация)	+	-	-	-	-	1

1.2-жадвалга асосан, товар битимининг қиймати усулидан асосий усул сифатида фойдаланиш, божхона қийматини аниқлашнинг умумқабул қилинган тартиби, божхона қийматини аниқлаш усуллари изчил қўллаш, божхона қийматини ишончли ва аниқланган ва ҳужжат билан тасдиқланган маълумотлар асосида белгилаш каби принциплар асосий ўринни эгалламоқда.

Умуман олганда, товарларнинг божхона қийматини тўғри аниқлаш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу жараён давлат бюджети даромадларининг шаклланишига, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига ва ноқонуний фаолиятга қарши курашишга бевосита таъсир қилади. Шу сабабли, божхона қийматини аниқлашда шаффофлик, адолатлилик ва қонунийлик принципларига қатъий риоя қилиш зарур.

Юқоридагиларга асосланиб товарларнинг божхона қиймати тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Божхона қиймати – бу товарларнинг божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳақиқий қиймати бўлиб, у божхона тўловларини адвалор ставкада ҳисоблаш ва ундириш, божхона статистикасини юритиш, валюта назоратини амалга ошириш ҳамда божхонага оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилаш мақсадларида қўлланадиган қийматдир.

Шунингдек, тадқиқот иши давомида товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тамойиллари ишлаб чиқилди:

1. Товар битими қиймати усулидан асосий усул сифатида фойдаланиш тамойили;
2. Умумқабул қилинган тартибга риоя қилиш тамойили;
3. Ишончли ва ҳужжатлаштирилган маълумотларга асосланиш тамойили;
4. Дампингга қарши курашда божхона баҳолаш усулларида фойдаланишни тақиқлаш тамойили;
5. Ихтиёрий ва сохта қийматлардан фойдаланишни тақиқлаш тамойили;
6. Камситмаслик (недискриминация) тамойили.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси “Lex.uz”, 2024.
2. Панова Е.Н Таможенная стоимость товаров: экономическая сущность и принципы определения // Право и экономика. - 2009. - №4. - С. 7.
3. Шишкин А.В Разработка организационно-экономического механизма контроля таможенной стоимости с учетом факторов риска: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. - М, 2003. - С. 12.
4. Альта Софт. “Что такое Таможенная стоимость (ТС). ВЭД Глоссарий - онлайн словарь основных таможенных понятий.” Альта-Софт, 7 Апр. 2020, www.alt.ru/information/glossarium/tamojennaya_stoimost/.
5. Козырин А.Н. Толковый словарь таможенного права / М., 2006. С. 489.
6. “Соглашение ВТО от 15.04.1994 “Соглашение по применению статьи VII Генерального соглашения по тарифам и торговле 1994 года”. Таможенные документы.” Альта-Софт, 2025, www.alt.ru/tamdoc/94bn0006/.
7. Стрижова О.А. Правовое регулирование таможенной стоимости: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.14. - М, 2008. - С. 9.
8. Садуллаев С.Ф., Маккамов З.Х. Божхона тўловлари аудитида импорт товарлар божхона қийматини ўрганиш алоҳида мезон сифатида // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. 2023. Т. 3. № 12. С. 96.
9. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (20.01.2016) // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - www.lex.uz. (301-модда).
10. Комментарий к статье 12 Закона “О таможенном тарифе”: Основные принципы определения таможенной стоимости товаров, ввозимых на таможенную территорию Российской Федерации// <https://brokert.ru/material/principy-opredelenijtamojennoi-stoimosti-tovarov>.
11. Рутгайзер В.М., О कोरोков И.В. Таможенная стоимость и ее оценка. - М.: РИО МАОК, 2007. – С.75.
12. Попова Е.В. Таможенная стоимость от А до Я // Таможенное регулирование. Таможенный контроль.-2015-№1-7 С.23-35.
13. “Трок” хАI компанияси томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект моделининг берган жавоблари.